



— Уэр, Сиз менга миллатим рус бўлгани учунми, рус тилида савол бердингиз, ўзбекча гапирсам ҳам бўладими? — дея кулиб сўз бошлади суҳбатдошимиз.

— Ие, бемалол, жуда соз! — хижолат тортгандек бўлди биз.

— Илгари маҳалламиз жойлашган худуд — Ракат-боши дейилган. Ҳозир ҳам энг сераҳоли кўчаларимиздан бири шу ном билан юритилади. «Ракат» дегани — эскиларнинг айтишича, катта сув оқими бўлиб, ҳозир маҳалламиз жойлашган жой ана шундай бир оқимнинг боши бўлган экан. Биласиз, сув бор жойда ва хусусан, унинг оқими бошида аҳоли ҳаммаша зич истикомат қилиши, табиий. Демак, маҳалламиз қадим-қадимдан сераҳоли бўлиб, улар кўни-кўшичиликда бир-бирларига қадрли, меҳрли, мурувватли, оқибатли яшашган.

— Шу боисдан ҳам, «Ракатбоши» деган атамани, менга қолса, «қадр боши» деб ҳам таърифлаган бўлардим» дейётган экансиз-да?

— Ха-да. Негаки, бу ерда ҳозир ҳам йигирма тўрт миллат вакили худди бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ, тинч ва осуда яшашмоқдалар, меҳнат қилмоқдалар. Айниқса, маҳалламизнинг янги гузаришига тушган, шуни сездимки, меҳр тортган, қадр тоған жойга одамлар ўз-ўзидан оқиб келавераркан. Кечаси соат ўн бир-ун иккига қадар навбатчилик қилаётган фаолларимиз фуқароларнинг турли сўровлари, эҳтиёжлари, талаблари билан шуғулланишаркан, уларга масла-

**Меҳр ва мурувват — инсон зийнати**



**МАҲАЛЛА — ҚАДР-ҚИММАТ МАСКАНИ**

— **ДЕЙДИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ ЮНУС РАЖАБИЙ НОМЛИ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ, «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ СОҲИБИ МИХАИЛ КИКТЕВ**

хатлар беришаркан бунга ёрқин мисол. Мушуки осон битган жойга ким яна ва яна меҳри тортиб, қадр излаб келмайди, дейсиз?..

Энг муҳими, бағрикенглик бўлса, бас. Боши силанган, лоақал, бир оғиз ширинсўз эшитган («бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин» дейдилар-ку) ногиронлар, кам таъминланган оилалар, қаровсиз қолган ёки ёлғиз кексалар Аллоҳ ато қилган ноёб фазилатларимизни ўзлари кўмсаб келаверишаркан...

— Улар фақат иши тушганда ёки моддий-молиявий ёрдам керак бўлиб қолган-

да келишарканми?

— Йўқ, улар бу ерга нафақат ўз эҳтиёжлари билан, балки мамлакатимизда ва ён атрофимизда руй бераётган воқеалардан, янгиликлардан хабардор бўлиб туриш учун ҳам келишарди. Гузар идорасига териб кўйилган турли хил китоблар — Президентимиз асарлари, мамлакатимиз қонунларининг мажмуалари, солиқ ва нафақага оид йўл-йўриқлар, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Маҳалла» сингари газеталарнинг таҳлаплари билан танишув учун ҳам келиб туришарди. Шуларнинг ўзидек, эндиликда одамлар-

нинг дунёқараши кескин ўзгариб бораётганидан, уларнинг ҳаётга тобора фаол муносабатда бўлишарганидан ва натижада, катта-кичик — ҳар бир фуқарода жамиятимиз турмуш тарзига дахлдорлик туйғуви охири бораётганидан далолат...

Демакки, Юртбошимиз таърифлаганидек, Истиқлол йилларида одамларимиз қалби ва онгида азалий инсоний қадриятларимиз қайта уйғониб, бир-бирларини асраб-авайлашга, меҳр-мурувватларини дариг тутмасликка бўлган интилиш, иштиёқ янаям жўш урмоқда. Бу-

ларнинг ҳаммаси, ўйлаётганимиз, халқимиз ҳаётини юксалтиришга, эл-юрт фаровонлигини таъминлашга бўлган интилиш ва иштиёқнинг ошишига катта маънавий ҳисса ҳамдир. Чунки, оқибат ва қадр-қиммат, меҳр ва мурувват бор жойда — файз ҳам бўлади, баярақ ҳам...

**НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири

◆◆◆  
**Суратда:** маҳалла фаришлари янги йил совғалари улаштираётган пайт.  
**ШАВКАТ АҚРАМОВ**  
олган сурат

**«ЎЗБЕКИСТОН ҚАЛБ ҚЎРИМИЗДАН ЖОЙ ОЛДИ»**

ДЕЯ ЭСЛАШАДИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЕЛЬГИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИГА ЙЎЛЛАНГАН МАКТУБДА ИСПАНИЯЛИК САЙЁҲЛАР ХУАН ИГНАСИО МАДРИГАЛ ВА УНИНГ РАФИҚАСИ ЛАУРДЕС ГУИВЕРНУА.

Барселона шаҳри фуқаролари ўтган йили мамлакатимизнинг Брюсселдаги элчихонаси билан Европа аёллари ассоциацияси томонидан ташкил этилган лотерея ютуғининг омадли соҳиби сифатида Ўзбекистонга бепул саёҳат қилиш имконига эга бўлишди.

«Ўзбекистон шаҳарлари бўлиб етти кунлик саёҳат дастурини юксак даражада ташкил этган лотерея ҳомийлари — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Ўзбектуризм» компанияларига самимий миннатдорчилигини изҳор этамиз», деб ёзади Х.Мадригал ва Л.Гуивернуа «Пойтахт Тошкент билан танишув бизда чуқур

таассурот қолдирди. Ранг-баранг мева ва сабзавотларга бисёр бозорлар узра қад кўтарган ҳашаматли маъмурий бинолар, фарб услубидаги замонавий меҳмонхоналар шарқона жилолар оғушидаги беқийёс шаҳар манзарасини ҳосил қилган».

Самарқандга ташриф ҳақида испан сайёҳлари: «Амир Темури, Улугбек каби буюқ шахслар номин билан боғлиқ бу афсонавий шаҳарнинг бой тарихи, унинг кўна сервикор обидалари ва айниқса Регистон майдони бизни ҳайратга солди», деб эътироф этишарди.

Муаззам Бухоро билан танишган, меҳмонлар Хоразмига сафар қилишган: «Хива биз

учун унутилмас шаҳар бўлиб қолади. Тош тўшалган тор йўллар бўйлаб сайрлар, мезбонлар билан бўлиб ўтган самимий ва дўстона суҳбатлар Хива сафарига алоҳида шухук бағишларди.

Испаниялик меҳмонларнинг эътирофига, Ўзбекистонга саёҳат, ноёб меъморчилик дурдоналари, ўзбек халқининг бой анъаналари билан танишув шунчалар чуқур таассурот қолдирдики, улар «Ўзбек маданиятининг Испаниядаги эълчилари бўлишга астойдил аҳд қилишган».

**Ж.МУТАЛОВ,**  
«Жаҳон» АА,  
Брюссель

**СЕРЖАНТЛАР МАКТАБИДА ЯНА БИР ИМКОНИЯТ**

2003 йилнинг 23 майи наманганликлар учун қадрли сана бўлиб қолди. Худди шу кун Президентимиз вилоятда бўлиб, кўп хайрли ишларга қанот бағишладилар.

Юртбошимиз шаҳар ва қишлоқларда илохотларнинг боришини кўздан кечирдилар, иқтисодиёт, қурилиш, ободончилик равнақи билан танишдилар, қимматли маслаҳатлар, аниқ йўл-йўриқлар бердилар. Хусусан, Чортоқдаги сержантлар мактабига ташриф мамлакатимиз Куролли Кучлари, унинг келгусидаги салоҳиятига дастурий мазмун бағишладилар.

Яқинда Чортоқ сержантлар мактабига катта тантана ўтказилди. Мактаб худудида 16 хонадонли турар-жой ва 76 ўринли ётоқхона биноси фойдаланишга топширилди. Объектларда 652 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиб, лимитга нисбатан 74 млн. сўмлик қўшимча иш бажарилди.

Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов зобит ва сержантларни мураббабод этди. Шарқий ҳарбий округ кўмондони, генерал-майор Қосимали Аҳмедов ҳам сўзга чиқиб, қурувчиларга ва вилоят ҳокимлигига ўз миннатдорчилигини билдирди.

**Маъмуржон МАҲМУД**

Бу йил табиат инжиқликларига қарамай деновликлар учун муваффақиятли бўлди. Давлат хирмонларига 44 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топирилиб, ҳосилнинг асосий қисми олий навларга сотилди. Пилла, галла сотиш режалари муддатидан аввал удаланди.

**ҲОСИЛ БАЙРАМИ**

Бу муваффақиятлардан руҳланган туман меҳнаткашлари кунга кеча йил якунларига бағишланган ҳосил байрамини нишонладилар. Тантаналарда деҳқону миришкорлар, вилоят ва туман мутасаддилари иштирок этди. Туман ҳокими Абдулқадир Эшмуродов барча йилгиланларни байрам билан қўлаб, келгуси йилги режаларига омадлар тилади.

Тадбирда «Исмоил» фермер хўжалиги раҳбари И.Тангиров, «Ҳазорбоғ» ширкат хўжалиги аъзоси Ж.Дониёровлар туман ҳокимлиги томонидан «Тико» автомашинаси билан мукофотландилар. Шунингдек, туманнинг илғор фермер, пудратчи, сувчи, механизаторларига телевизор, гилам ва бошқа совғалар топширилди. Ҳосил байрами пойтахтдан келган санъаткорларнинг куй-қўшиқлари ҳамда кўпқари, кураш мусобақаларига улашиб кетди.

**Абдулқадир ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири

**Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**



**НОДИРАНИ ДУНЁ ҚУТЛАДИ**

**В.Успенский номидаги республика махсус музыка академик лицейи 2-синф ўқувчиси 8 ўшани Нодира Дадамухаммедова Грециянинг Марнополю шаҳрида 25 октябрдан 2 ноябргача ўтказилган пианиночиларнинг йирик халқаро кўрик-танловида голибликни кўлга киритди**

Нодира Дадамухаммедова 1995 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 2002 йилдан музыка академик лицейи ўқувчиси.

Отаси Акмал Дадамухаммедов ва онаси Гулнараҳон хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишарди. Нодирадаги санъатга бўлган қизиқишини пайқаган онаси уни пианино бўйича кўзга кўринган таниқли музака муаллими Алла Ким ҳузурига олиб келди. Зехни ўткир қизалок тез орада музака сирларини ўргана бошлади.

У олис Грецияда бўлиб ўтган халқаро танловда ҳайрат аъзолари ва томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Япония, Руминия, Польша, Болгария, Россия, Арманистон, Грузия, Қозғистон ва яна кўплаб давлатлардан ташриф буюрган иштирокчилар ўзбек қизининг моҳирона ижро услубига қўйил қилишди. У ўз тенгқурлари орасида голиблик бахтига муяссар бўлди.

Унинг репертуаридан Бах, Бетховен, Шопен каби жаҳон мумтоз музака намояндалари яратган дурдоналар ўрин олган.

— Қизим жуда ёш бўлганлиги учун, у саҳнага чиққанда ҳаяжондан кўзларимга ёш келди. Узимни ўнглаб олганимда эса бутун зал оёққа қалқиб Нодирани қутларди, — дейди Гулнара Дадамухаммедова.

Хали болалик ўйинларидан узоқлашмаган жажжигина Нодира дунё санъат саҳнасига илк қадамини қўйди. Биз унга буюқ ўзбек аёллари Нодира, Увайсий, Зебунисо, Зулфия, Саида Зуннунова, Зарифа Саидносирвалар руҳи мададор бўлишини истаимиз.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**  
◆◆◆  
**Шавкат АҚРАМОВ**  
олган сурат

**«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар**  
**«СУНЪИЙ ТЎСИҚЛАР, СОҲТА ҲУЖЖАТЛАР**

**ЁКИ ХОРИЖГА ИШГА ЮБОРИШДА УЧРАЁТГАН КЎЗБЎЯМАЧИЛИКЛАР ХУСУСИДА»**

Мазкур сарлавҳа остида газетамизда (2003 йил 11 ноябрь) эълон қилинган танқидий мақола «Четга чиқиб ишламоқчи бўлганлар бор. Лекин уларнинг кўплари кимга, қайси идоратга учрашни билмай фибрибгарлар тузугига илсиниб қолишмоқда», деган фикрлар билан бошланган эди. Муаллифлар «Бош прокуратура томонидан Тошқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигида ўтказилган текшириш натижасида шикоятлар ўринли эканлиги исботланди... Агентликда «Фуқароларнинг мурувватлари тўғрисида»ги Қонун талабларининг ижроси суст. Ҳатто, айрим мурувватлар қойд этиш дафтарида киритилмаган, улар мазмунан ҳал этилмаган, муаллифларга юзаси жавоблар берилган», деган масалани кўтаришган. Яқинда бундай сунъий-стеммоллик ва юлғучликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг жавоб мактуби олди. Унда жумладан шундай дейилди:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги газетادا чоп этилган «Сунъий тўсиқлар, сохта ҳужжатлар» мақоласида келтирилган ҳолатлар бўйича қуйидагиларни маълум қилади.

Мақолада қайд этилган жиҳазлик Т.Шокиров расмий равишда (ариза билан) 2003 йил 2 январь кун мурувват қилган ва шу кун 188-рақам билан рўйхатга олинган, танлов комиссиясидан ўтган ҳамда бугунги кунда қишлоқ хўжалиги (чорвачилик) соҳаси бўйича белгиланган тартиб асосида уни Жанубий Кореяга юбориш кўтилмоқда.

Худди шунингдек, асакалик Я.Махмудов ва И.Тошматовлар 2002 йил 16 декабрда 179 ва 180-рақамлар билан рўйхатга олинган. Аммо, улар оғохлан-тирилганликларига қарамай, 2003 йилнинг январь ва апрель ойларида бўлиб ўтган танлов комиссиясига номатълум сабабларга кўра келмаганлар ва 2003 йилнинг июль ойида 231 ва 232-рақамлар билан кайтадан рўйхатга олинган.

Меҳнат ва аҳолини ижтимо-

ий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2001 йил 13 июндаги 81-сон ва 2002 йил 29 ноябрдаги 173-сонли буйруқлари билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элларга меҳнат фаложиятини амалга ошириш учун юбориш бўйича Йўриқнома» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корея Республикасига касб-ҳунар ўрганиш ва иш билан таъминлашга юбориш учун танлаш ва тайёрлаш Қоидалари» иш берувчи мамлакатнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга маълум қиламизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирларида доир бир қатор ҳужжатлар тасдиқланган, унда жумладан фуқароларимизнинг

**Спорт**  
**БОКСЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА**

**ОЛИМПИАДА ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН РИНГГА ЧИҚАДИЛАР**

Кеча бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси навбатдаги Осие чемпионатида иштирок этиш учун Филиппинга жўнаб кетди. Чемпионат бахсларининг мутлақ вазндан ташқари қолган ўн бир вазнда финалга чиққан барча қатнашчилар шу йил Афинада ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиадада йўлланма оладилар. Мутлақ вазнда эса фақат Осие чемпионатига Олимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

— Чемпионатга пухта ҳозирлик кўрдик, — дейди терма жамоа бош мураббийи Шароф Худойбердиев. — Тайёргарликни босқич-ма-босқич олиб бордик ва синовлардан муваффақиятли ўтганларни терма жамоага жалб этдик. Сунги ҳал қилувчи машғулотларни пойтахтдаги МХСК спорт мажмуида ўтказдик. Ушбу йилги Филиппинда рингга чиқадиганлар номи маълум бўлди. Улар Отабек Мамажонов (48 кг.), Тулашбой Дониёров (51 кг.), Баходир Султонов (54 кг.), Бехзод Хидиров (57 кг.), Жаҳонгир Сувоқуллов (60 кг.), Дилшод Маҳмудов (64 кг.), Шерзод Ҳусанов (69 кг.), Ўткирбек Хайдаров (75 кг.), Нодир Фуломов (81 кг.), Игорь Алборов (91 кг.), Рустам Саидов (+91 кг.)лардир.

Боксчиларимиз Осие чемпионатида олимпиадага бешта йўлланмани кўлга киритишни кўзлашган. Филиппин бахсларидан ташқари, «чарм кўлқоп» усталаримиз март ойида Хитой ва апрелда Покистонда ўтадиган йирик халқаро турнирларда ҳам олимпиада йўлланмалари учун курашишни режалаштирганлар.

**Эркин ХОЛБОБО**  
◆◆◆  
**Суратда:** боксчиларимиз машғулотдан сўнг



**Рашид ГАЛИЕВ** олган сурат

**«QUVA MEBEL»**  
**XONADONINGIZ FAYZI**

**O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI**  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

**ХАЛҚ БАНКИ** —  
**СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**





Саломатлик сирлари

Нисбатан ёш ва истиқболли фан — клиник лимфология ҳақида хали кўпчилик ашитмаган бўлса керак...

организмининг канализацияси, деб беҳиз айтишмаган. Тўпланган кераксиз моддалар лимфа капиллярининг ичига туша...

азодан чиқётган лимфани тозаловчи туғунга) ва умумлаштурувчи (бир неча аъзо ёки тана қисмидаги лимфани олвучи) туғунларга эга.

бўлгани сабабли, таъсирни бевосита касалланган аъзонинг ўзига кўрсатиш керак, деган фикри олға сурди. Бу борада 60-80-йилларда тажрибалар ўтказилган бўлса...

таносил, кўз, кулоқ-бурун-томоқ, болалар касалликларини даволашда қўлланиб келинмоқда. Олинган натижалар асосида 15 та ихтирога патент олинди...

фардан ортиқ ҳамшира таълим олди. Марказ ходимлари институт битирувчиларини ҳам клиник лимфология бўйича тайёрламоқдалар.

МАЖМУА ИШГА ТУШДИ

Андижонда виллоя ҳокимлиги ташаббуси ва қирқдан зиёд ҳомий ташкилотларнинг кўмаги билан марказий туғуруқ мажмуи янгидан ишга туширилди.

СОҒАЙИШНИНГ «ТАБИИЙ ОМИЛИ»

ЁХУД КЛИНИК ЛИМФОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНАЁТГАН ЎЗБЕК МАКТАБИ ХУСУСИДА

га, ҳосил бўлган жойидан марказга томон оқди ва пировардида бўйиндаги қон томирига куйилади.

XX асрнинг ўрталарига касалликларни даволашда лимфа тизими имкониятларидан фойдаланиши ҳеч ким ўйлаб қурмагани эди.

келган йўналиш «регионал лимфатик терапия» номини олди. 1986 йилда профессор Соткул Жумабоев ва шогирдлари томонидан дунё микёсида биринчи бор лимфатик терапиянинг турли шакллари (классификацияси) фанга киритилди.

ник лимфологиядан маълумотнома чоп этилди. Айти пайтада йўналишдаги илмий изланишлар ва олинган натижаларнинг муҳимлиги ҳисобга олиниб, Андижон давлат тиббиёт институти қошида Республика клиник лимфология маркази ташкил этилди.



«ЕТТИ ГЎЗАЛ» САФАРДАН ҚАЙТДИ

Ҳиндистонда ўн кун давомида бўлиб ўтган «Марказий Осиё халқлари фольклор санъати» Халқаро фестивалида бизнинг вакилларимиз ҳам иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги М.Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» Миллий рақс бирлашмаси қошидаги «Етти гўзал» ансамбли мазкур йирик фестивалда ўзбек миллий санъатини намойиш этиб қайтди.

Бизнинг санъатимиз, концерт дастурларимизга маҳаллий радио, телевидение, матбуот алоҳида эътибор қаратди. Масалан, «Hindustan Times», «NT City», «Deccan Herald» ва бошқа бир талай газета саҳифаларида ўзбек миллий санъати, маданияти ҳақидаги мақолалар кенг ёритиб борилди.

Болалар спорти ОТА-ОНАДА ИШТИЁҚ БЎЛСА...

Халқимизда «Қуш уясида қурганини қилади» деган ҳикмат бор. Шу боис, болаларни спортга кўпроқ жалб этиш, аввало, ота-онанинг, оиланинг, оиланинг спортга муносабатини ўзгартиришдан бошланади.

Шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги Яққасарой енгил саноат касб-хунар коллежиде бўлиб ўтди. Унда Махмудовлар, Возиховлар ва Мелибоевлар оиласи етти шарт бўйича ўзаро муболаға бўлмади — дейди гуруҳ раҳбари, ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилбар Юнусова.

Интер-спорт ЛЕННОКС РЕВАНШ УЧРАШУВИГА РОЗИ

WBC йўналиши бўйича ўта оғир вазни англиялик жаҳон чемпиони Леннокс Льюис украинлик Виталий Кличко билан такрорий жанг ўтказишга рози эканини изҳор этди. Льюис айти пайтада бир шартни илгари сурди. Унинг истаги бўйича жангнинг қандай тугашидан қатъий назар 15 миллион фунт-стерлинг олиши керак экан.

Соғлом авлод учун

Дастлаб кашандаллик эътиборсиз қаралганлиги сабабли кейинчалик у одатда айланди. Бугун аёллар ҳам чекаятти. Энди лоқайд бўлишга ҳақимиз йўқ.

ҳалқум соҳаси, чов даббаси нўсонли бўлиши мумкин. Айниқса, бундай чақалоқларда яғиллик ва ақлий заифлик кўп кўзатилади. Базан соғлом туғилган бола кейинчалик гапиршида, ўқишда ва ҳисоблашда тенгдошларига нисбатан кеч қоларкан.

ЧЕКМАНГ, АЁЛЛАР!

Кашанда аёл спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан ҳам ўзини тиймайти. Бошқача айтганда, бу икки иллат ҳамма ёшда бўлиши мумкин экан. Финляндиялик тиббиётчиларнинг кузатишларича, чекувчи аёлларнинг фарзандлари тез-тез шифокорлар кўригидан ўтишга мажбур бўлган.

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

КЎРГАН ҲАМ АРМОНДА, КЎРМАГАН ҲАМ МАЪНОСИ: «Одамзотнинг табиати шунақа: дунёда яқин-йироқни, яхши жойлар ва нарсаларни, бойлиқни, маишатни ва ҳ.к. кўрган одам «аттанг, шуларни камроқ кўрдим-да», деб афсусланади; кўрмаган одам эса «аттанг, шундай нарсаларни кўрмай дунёдан ўтиб кетаяман-да», деб афсусланади», дейилмоқчи.

КЎРГАНИМИЗ — КЎРИШГАНИМИЗ

Халқимизда шундай бир таомил борки, бирор йилнинг, зиёфатга бошқалардан кейинроқ келиб қолган одам ҳамма билан бирмабир қўл беришиб, саломлашиб чиқиш одобдан эмаслигини билиб, эшикдан хонага кирган заҳоти қўлини кўксига қўйиб: «Ассалому алайкум, бемалол ўтираверинглар, безовта бўлманглар, кўрганимиз — кўришганимиз», дейди-да, бир чекага ўтира қолади.

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН! ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ХУЗУРИДАГИ «РОУТАХТ АУКЦИОН» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2004 йилнинг 10, 13, 17, 20, 24, 27 февраль кунлари аукцион савдоларини ўтказолади. Аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қўйилади: Банкрот деб эълон қилинган «1-SON TOSHKENT UY-JOY QURILISH KOMBINATI» очик акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Строительная кўчаси, 1-уйда жойлашган «ЗКПД-1»нинг профилакторияси, бошланғич нархи — 33 443 800 сўм ва қозонхона биноси, бошланғич нархи — 173 871 000 сўм.

Юқоридаги суратли лавҳа «Deccan Herald» газетасида чоп этилган

лардан фақатгина 22 фоизи фарзанд-чана бўлиши мумкин экан. Эътибор берган бўлсангиз, оддий салбагар туфайли ёшлар чекишга ёки илгари одатланишга. Америкалик тадқиқотчиларнинг билдиришларича, қизлар озиш учун атай чекишга руҳ қўйишади. Бу усул парҳез ёки жисмоний машғулотдан осон. Аммо улар ўз организми хасталаниб бораётганини билишармикан? Профессор Эдди Шиллернинг фикрига қараганда, Льюис яна галаба нашидасидан баҳраманд бўлиши учун 10 ҳафта мобайнида ҳамма нарсани унутиб, фақат машқларга зўр беришига тўғри келади.

Голландиялик олимлар янги вакцина

Advertisement for BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, Tahrir Hay'ati, Abdulla Oripov, Abdullah JALOLOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur GODOIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV, Alimqul SULTONOV, Andrey OROV, Nomoz SA'DULLAYEV, Rahima HAKIMOVA, To'lepbekov QAIPIBERGENOV, Abdug'ani MAMASODIQOV, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI, BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot, Ma'naviyat va ma'rifot, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Parlament va huquq, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY, Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi, Sahifalovchi-dasturchilar: Ikmromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV, «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi, Korxonalar manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, 008-raqam bilan royxatga olingan, Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi, Hajmi 2 bosma taqob, «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi, 1 — Tijorat materiallari, Topshirish vaqti — 21.00, Topshirildi — 1 2 3 4 5, 12354 nusxada bosildi, 1 — Tijorat materiallari, Topshirish vaqti — 21.00, Topshirildi — 1 2 3 4 5, SOTUVDA ERKIN NARXDA